



## Ҳикмат қасри



Инсон тарбияси, камолотини ҳаётнинг туб моҳияти, жамиятнинг муҳим вазифаси деб билган Шарқ халқлари адабиётининг асосини панд-насихат ташкил этади. Бу адабиёт, таъбир жоиз бўлса, панд-насихат воситасида тикланган хикмат қасрига ўхшайди. Бу хикмат қасридан ҳаётнинг барча саволларига жавоб топиш мумкин.

Шарқ сўз санъатининг тамал тошини қўйган ҳам, унинг бешигини тебратган ҳам айнан

панд-насихат хисобланади. Бу хол мазкур халкларнинг табиати, ўзига хослигидан келиб чиққан, албатта. Шарк халклари қадим-қадимдан насихат айтишга ҳам, насихат тинглашга ҳам мойил бўлишган — бу нарса уларнинг қонида бор. Халк эртақларини бир эсланга: битта хикматли сўзни бир тиллага олган «девона» фақат ўзбек бўлиши мумкин! «Калила ва Димна», «Тўтинома» каби халк китоблари, Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билиг», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Бахористон», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» сингари панднома асарлари ана шу анъананинг акс садоладир. Улар орасида «Кобуснома»нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Форс тилидаги илк насрий асар «Кобуснома»ни XI асрнинг 82-83-йилларида Гарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар (1021-1098) ўз ўгли Гилоншоҳга бағишлаб яратади ва ўша давр анъанасига кўра уни бобоси шох Шамс ул-маолий Кобус шарафига «Кобуснома» деб атади.

Зиёрийлар сулоласидан бўлган Шамс ул-маолий Кобус ибн Вушмагир (баъзи манбаларда (Вашмгир) — Журжон амир (976-1012). У қорахонийларнинг сомонийларга қарши қураши натижасида Хоразмда юз берган давлат гўнтариши туфайли она юртини тарк этиб, дарбадарликда юрғап Абу Райхон Берунийни ўз химоясига олган. Ёқут Хамавийнинг ёзишича, у алломага вазирлик лавозимини ҳам гаклиф этган, лекин Беруний бунга кўнмаган. Олим «Кобуснинг саройида катта хурматга сазовор бўлди. У бу ерда бир канча илмий асарларини Яратди ва Хоразм гинчигандан сўнг, ўз юртига қайтди» (Долимов С. «Кобуснома» хақида (Сўзбоши) // Кобуснома. Тошкент, 1967 йил, 7-бет.).

Абу Али ибн Сино ҳам Кобус ҳузурига бормокчи бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи таржимаи холида шундай ёзади: «...мақсадим Амир Кобуснинг ҳузурига бориш эди. Шу пайтда Кобусни тутиб, калъалардан бирига қамаб қўйишди ва у ўша ерда ўлди».

«Кобуснома» асрлар мобайнида Гарб ва Шарк мутафаккирларининг эътиборларини ўзига жалб қилиб келган: 1702—1705 йилларда турк тилига, 1786—1787 йилларда Мухаммад Сиддик Рашидий томонидан уйгур тилига, 1881 йилда Каюм Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинди. 1935 йилда Техрон дорилфунунининг профессори, атокли адиб Саид Нафисий «Кобуснома»ни Техронда босмадан чиқарди.

1860 йилда «Кобуснома» 16 ёшли шахзода Мухаммад Раҳимхон Ферузнинг (1844—1910) топширигига кўра ўзбек тилига биринчи марта буюк шоир ва мутафаккир Мухаммадризо Огахий томонидан таржима қилинди. Огахийнинг ёзишича, ёш Мухаммад Раҳимхон йигитлигидаёқ китоб мутолаасига ўч бўлиб, хусусан, насихатнома асарларни ниҳоятда севиб ўқиган. «Кобуснома»ни ўқигач, уни туркий тилга таржима қилдириш хавасига тушиб, бу гпини Огахийдан илтимос қилади: «Бу нусхани туркий тили била таржима қил, токи турк тавойифи (гурухлари)нинг авоми ҳам бу пандлардин баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инкирозигача замон авроқида боқий ва ёдгор қолғай». Шоир қамоли ихлос билан бу ишни амалга оширади.

Бу дурдона асарда Оллоҳни танишу пайгамбарларнинг яратилишидан тортиб илму ҳунар эгаллаш йўллари ва фойдаларигача, ота-она хақини адо этишдан фарзанд тарбиясигача, дехқончилик ва бозор қилишдан то вазиру подшоҳ бўлишгача — ҳаётда инсоннинг умргузаронлиги учун зарур бўлган барча масалалар мухтасар камраб олинган. Чинакам санъат дурдоналари ҳамма даврларда ҳам ўз ахамиятини саклаб қолади, барча авлодларга бирдай хизмат қилаверади. «Кобуснома» ҳам ўз даврида қандай ахамиятга эга бўлган, асрлар давомида қандай шухрат қозониб келган бўлса, ҳозирги замонда ҳам

унинг кадри заррача камайган эмас. Бунинг сабаби асарда инсон хаётига дахлдор бўлган деярли барча азалий ва абадий масалаларнинг каламга олингандир. То инсоният мавжуд экан, бу масалалар у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади — уларнинг шакли ўзгарса ҳам, мохияти бирдай тураверади. Шундай экан, Кайковус кўтарган масалалар ва у айтган ёки келтирган панд-насихатлар, хикматлар ҳам ҳамма даврлар ва барча авлодлар учун ўз долзарблигини саклаб қолаверади.

Муаллиф китоб мукаддимасида шундай ёзади: «Билгилки, жахон халкининг расми шулдурки, такупўй ва жустужўй килиб, дунёда бирор нарса хосил этарлар ва уни ўзларининг яхши кўргон кишисига кўйиб кетарлар. Мен дунёда ушбу сўзларни хосил килмишман ва менинг яхши кўргон кишим сендурсан. Менга рихлат вақти ёвук етди, дунёдин хар нимаким хосил килдим, сенинг олдингга кўйдим, токим худком бўлмагайсан ва берохлик йўлига кадам кўймагайсан».

Дархакикат, сўз шундай ганжинаки, у фойдаланган билан тугамайдигина эмас, ундан барча замонларда барча авлодлар истифода этадилар. Агар сиз фарзандингизга мол-дунё колдирсангиз, ундан ёлғиз фарзандингиз ёки унинг болалари, нари борса, кариндош-уруғларингизгина фойдаланиши мумкин, холос. Лекин дурдона асарлардан нафакат фарзандингиз, авлод-аждодингиз, балки бутун инсоният истифода этади. Шу маънода, Кайковуснинг колдирган мероси — нурийдаси Гилоншоҳга атаб ёзган китобидан, мана, қарийб ўн асрдирки, барча адаб ахли фойдаланмоқда. Бу асар йўлчи юлдуз бўлиб одам болаларига Хак йўлни кўрсатиб келмоқда, инсоний камолот сир-асрорини сўйлаб бермоқда.

«Кобуснома»да Ануширвони Одил хақидаги гўзал ривоят келтирилиб, унинг пандларидан намуналар берилади. Ривоятда айтилишича, Ануширвоннинг қабр тошига куйидаги сўзлар ёзилган: «Мен хаётлигимда ва подпюхлигимда хамманинг хожатини чиқарар, бирор кишини хузуримдан умидсиз қайтариб юбормас эдим. Энди эса, тупрок остида ожиз ётибман, лекин хохлайманки, менинг зиёратимга келганлар бирор-бир манфаат кўрмай қайтиб кетмасинлар — тириклигимда одамлар мендан қандай бахраманд бўлган бўлсалар, энди васиятларимдан ҳам шундай фойда кўрсинлар, деб мозор тошига куйидаги насихатларни ёздирдим: менинг бу пандларим зиёратчилар кадам ранжининг мукофоти бўлсин!»

Ха, улуг зотлар нафакат тириклигида, балки ўлганидан кейин ҳам ибратли хаёти, хикматли сўзи билан инсониятга хизмат қилаверади. Ануширвоннинг хаёти ва фаолияти бунинг ёркин исботидир. Бу ривоят то ер юзида хаёт мавжуд экан, одамларни эзгу ишлар қилишга, ўзидан яхши ном колдиришга даъват айлашда давом этаверади. Унинг буюклиги ва умрбоқийлиги ҳам шунда.

Китобда Ануширвони Одилнинг 33 та панди келтирилган: бу насихатлар узок умр кўрган ва катта хаётлий таж-риба сохиби бўлган донишманд бир инсоннинг қалб кўри, ақл нурига йўғрилган гўзал ва сермазмун хикматларидир. Мана, Ануширвони Одил нима дейди: «Агар хар кишини турмуш устои доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун, ранжи зоеъ бўлур».

«Хар кишининг (билими) бўлса-ю, аммо унга лойик ақли бўлмаса, бу билим унга зарар еткарғусидур».

«Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг, бировнинг сирини фош қилмагил».

Бу насихатлар бугунги кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотмаган, уларга замондошларимизда ҳам эҳтиёж мавжуд. Шунинг учун ҳам «Кобуснома» бизнинг дав-римизда уч марта нашр этилди ва хар гал қўлма-қўл бўлиб кетди.

Донишманд ота-боболаримиз ўз фаолиятларини муайян соҳа билан чегаралаб кўйишмаган, улар комусий билим сохибларигина бўлиб қолмай, хуналарнинг ҳам бир неча турларини билишган, ўзлари бевосита шугулланишмасида, ҳаётда мавжуд барча касблар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. «Кобуснома»да ҳам шу нарсани кўрамыз. Кайковус адабиёт, тиббиёт, илми иужум, сиёсат, тижорат, дехкончилик, ҳарб илми тўғрисида ҳам, севиш, уйланиш, фарзанд тарбияси, дўстлашиш, олди-берди тўғрисида ҳам, ҳаммомга бориш, чавгон ўйнаш, шикорга чиқиш, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш тўғрисида ҳам, табиблик, шоирлик, созандалик тўғрисида ҳам, хуна ўрганиш, илм олиш, бозор қилиш тўғрисида ҳам бирдай билимдонлик билан кенг ва батафсил фикр юритади, ўз мулоҳазаларини ибратли ҳикоят ва ривоятлар воситасида далиллайди. Бу асарнинг таъсирчанлиги ва ўқимишлилигини янада оширган. Савдогар ва дарвеш, Афлотун, Хорун ар-Рашиднинг туши, Шайх ва алавий йигит, пардозгир ва унинг кўзаси, қария ва йигит, Маҳмуд Газнавий ва подшоҳ хотип Саййида, Искандар Зулқарнайн ва унинг дунёдан бўш қетган қўли, сутга сув қўшиб сотувчи муттахам, қотиб Абдуҷаббор ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор.

Кайковус насиҳатларининг қўпи халқ мақолларидай, донишмандларнинг ҳикматлардай жаранглайди, фалсафий мулоҳазалари чуқур ва асосли. Чунончи:

«Билгилки, донишмандлар охири ҳам бўлгон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлгон ҳамни ҳам ҳисобламаслар».

«Сирингни ўзингдан ўзга қишига айтмагил, агар айтсанг, сўнгра уни сир демагил».

«Қишининг дўстсиз бўлгонидан биродарсиз бўлғони яхшидур».

«Мол ҳар нечақим азиздур, аммо жонингдан азиз эмасдур».

Қитобда ўтган донишмандларнинг ҳам қўпгина ҳик матли сўзлари келтирилади.

Жумладан:

«Андокким дебдурлар: «Улуглик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас».

«Ҳақимлар дебдурлар: «Сўз бир нашъадур, ундан ҳумор пайдо бўлур».

«Донишлар дебдурлар: «Донининг панд-насиҳати қўнғил қўзин равшан қилур, нединким, ул панд ақл ва ҳикмат сурмаси ва тўтиёсидур».

«Ҳақир (мен) қитобда ўқимишманким, одамнинг қуввати то ўттиз йилгача ҳар қуни зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнғ қуёш осмоннинг ўртасига етгондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай турар. Ундан сўнғ ботиш сайри охистарок бўлғай. Қирк ёшига етгондин сўнғ то эллик ёшгача ҳар йил ўзида нуқсон қўрғайким, бурунги йилда қўрмамиш бўлғай. Эллик ёшидин олтмиш ёшгача ҳар ой ўзида нуқсон қўрарким, аввалги ойда қўрмамиш бўлғай. Агар ёши олтмишдан ўтса, ҳар соатда дард ва ранж қўрғайким, ўтгон соатда қўрмамиш бўлғай».

Хуллас, «Кобуснома»ни ўқир экан, ўз даврининг барча диний ва дунёвий илмларини эгаллаган, замонининг барча касб-хуналаридан ҳабардор бўлган, ҳаётнинг ҳамма аҷчик-чучугини тотган, турфа тақдирлар, воқеаларни қўрган қатта таҷриба сохиби, халқнинг характери, анъ-ана ва урф-одатларини чуқур билган донишманд бир зот билан суҳбатлашгандай, унинг ҳикматларга йўғрилган сўзларидан баҳра олгандай бўласиз, қўнғилнинг ёришиб, ақлингиз тўлишади. «Кобуснома»нинг ҳамма замонлар ва ҳамма авлодлар учун сеvimли ва фойдали қитоб бўлиб келаётганининг сири ҳам ана шунда.

Эргаш Очиловнинг  
"Бархаёт сиймолар" китобидан